

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ
ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЙЎЛДАШЕВ ХУРШИДЖОН ТОЛИБОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧ ЭЛЕКТРОДЛИ ЎТА ҚИСҚА ГАЗ РАЗРЯДИ
ЯЧЕЙКАСИДА ФОТОЭЛЕКТРИК КУЧАЙТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10-яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Йўлдашев Хуршидjon Толибович

Яримўтказгич электродли ўта қисқа газ разряди ячейкасида
фотоэлектрик кучайтириш жараёнлари3

Йўлдашев Хуршидjon Толибович

Фотоэлектрические усилительные процессы в сверхтонкой газоразрядной
ячейке с полупроводниковым электродом.....27

Yuldashev Khurshid

Photoelectric intensive processes with a semiconducting electrode in sub-micron
cell of gas-discharge51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ
ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЙЎЛДАШЕВ ХУРШИДЖОН ТОЛИБОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧ ЭЛЕКТРОДЛИ ЎТА ҚИСҚА ГАЗ РАЗРЯДИ
ЯЧЕЙКАСИДА ФОТОЭЛЕКТРИК КУЧАЙТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10-яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/FM35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахманов Кахар Паттахович
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Далиев Хожакбар Султанович
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Илиев Халмурат Миджитович
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий тадқиқот-институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги “Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника” ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел./факс: (99895) 146-77-44; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да таркатилди.

(2019 йил «__» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ш.Б. Утамурадова

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов

Фалсафа доктори илмий даражасини Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда яримўтказгичлар физикаси соҳасида оптик ва инфрақизил (ИК) нурларни қайд қилиш учун яримўтказгич электродли газ-разряди системаси асосида фотоўзгартиргичлар яратишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда ўта қисқа газ-разряди ячейкали яримўтказгич электродли газ-разряди системасини яратиш ва ундаги номувозанат фотоэлектрик ҳодисаларни тадқиқ қилиш, тез ўтувчи жараёнларни текшириш, материалларнинг нуқсонларини диагностика қилиш мақсадида яримўтказгич электродли газ-разряди системаларининг функционал имкониятларини микроэлектроника соҳаларида қўллаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида фотоқабулқилгичлар ва фотоўзгартиргичларнинг янги турларини яратишга ва мавжуд бўлганларининг асосий ишчи параметрларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, яримўтказгич электрод материали ва параметрларининг ўта қисқа газ-разряди ячейкасидаги ток бўйича кучайтириш жараёнига таъсири; қўшимча металл-тўр ёки плазмали контактлар киритилган яримўтказгич электродли газ-разряди системасида токнинг кучайтирилиши ҳамда фотоэлектрик, чиқиш ва ўзгартириш характеристикаларида яримўтказгич қатламнинг роли; яримўтказгич электродли газ-разряди системасида яримўтказгич ва газ-разряди ячейкасининг қалинликлари, газ босими ва электр майдон кучланганлигига боғлиқ турғунлаштирилган ток жараёнлари бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказиш долзарб масалалар бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай фаолиятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” доирасида амалга оширилиб, у халқ хўжалигини илмий ривожлантиришнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган оригинал илмий натижаларни олиш учун мўлжалланган. Бунда спектрнинг инфрақизил диапазонидаги янги типдаги фотоўзгартиргичларни олиш усулларини такомиллаштириш масалаларига, жумладан, кичик электродлараро масофаларда ($d \leq 0,1$ мм) яримўтказгич электродли газ-разряди системасини характерловчи хусусиятларининг тадқиқотида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада яримўтказгич электродли ўта қисқа газ-разряди ячейкасида фотоэлектрик кучайтириш жараёнларини тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бундай қурилмалар инфрақизил тасвирларни юқори тезликли ўзгартиргичларда, масалан, оптоэлектроника ва фотоўзгартиргичлар техникасида инфрақизил лазер нурларини фазовий тақсимотини диагностика қилиш соҳасида катта амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 13 февралдаги “2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-2772-сон ҳамда 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли фан ва технологиялар соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши”нинг устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунга қадар Россия фанлар академияси А.Ф.Иоффе номидаги Санкт-Петербург Физика-техника институти олимлари С.М. Рывкин, Л.Г. Парицкий, Ю.А. Астров, В.Б. Шуман, Л.М. Порцел, А.Н. Лодыгинлар томонидан классик яримўтказгичли ионизацион камерада фотоэлектрик ва электрофизик ҳодисалар ҳамда унинг амалий қўлланиш имкониятлари ўрганилган.

Б.Г. Саламов, Э.А. Султанов ва бошқалар ишларида, тор ($d=60$ мкм) газ-разряди оралиғида стационар токни тақсимотиға яримўтказгич электрод таъсири унинг сиртиға яқин қатламининг ўтказувчанлиғиға боғлиқ бўлиб, газ оралиқларида Пашен эгри чизик соҳасида ёқиш кучланиши кам ўзгарганлиғи аниқланган.

Ўзбекистон олимлари академик А.Т. Мамадалимов, Ш.С. Касымов, З. Хайдаров, В.Т. Туланов, Х.Б. Сиябековлар томонидан яримўтказгич электродли газ-разряди системасининг ишчи параметрларини такомиллаштириш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, З. Хайдаров яримўтказгич электродли тор ($d<20$ мкм) газ-разряди ячейкасида физик жараёнларни ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотларида газ-разрядида Таунсенд кўчкиси учун яримўтказгич сиртидан етарлича кучли автоэлектрон эмиссия электронлар етказиб бериш ролини ўйнаши ва анча кичик оралиқларда ток ўтказишнинг асосий механизми эканлиғи аниқланган.

Лекин, газ-разряди оралиғи кичик бўлган структуралардаги физик жараёнлар тўла аниқланмаган, айниқса ток ўтиши ва разряд ёнишининг стабиллашиш механизмлари яратилмаган, жумладан, газ ва люминесцент экран нурланиш интенсивлигининг газ-разряди оралиғи ($d=10-100$ мкм) ва ундаги босим ($P=5-120$ мм.с.м.уст) нинг турли қийматларида ток кучиға боғлиқлиғи яримўтказгич арсенид галлий фотоқабулқилгичли тизимлар учун экспериментал тадқиқ қилинмаган. Бу ўз навбатида газ-разряд оралиғи

параметрлари (d , P) ва фотосезгир яримўтказгичнинг электрофизик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ток турғунлигини таъминлаш муаммолари бўйича кўшимча экспериментал тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг № И-2014-3-1 рақамли «Қуёш энергиясини ўзгартириш йўли билан иссиқхона ва парниклардаги температуранинг турғунлаштириш учун фаол нанокиришмалар плёнка-керамик композитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш» (2014-2015йй) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади арсенид галлий яримўтказгич электродли ўта қисқа газ разряди ячейкасида фотоэлектрик кучайтириш жараёнларининг механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-яримўтказгич электродли ионизацион фотоўзгартиргичнинг газ ва люминесцент экран нурланиш интенсивлигини ўта қисқа газ разряди оралиғи ($d=10-100$ мкм) ва ундаги босимнинг турли қийматларида ток кучига боғланишини аниқлаш;

-иккита плазма контактли структурада яримўтказгич электрод материалининг параметрларига боғлиқ ҳолда фотоэлектрик кучайтириш жараёнини назарий ва тажрибавий текшириш;

-кўшимча металл-тўр электрод киритилган структурада яримўтказгич электрод бўйлама фотоўтказувчанлигининг ўта қисқа газ-разряди ячейкасидаги ток бўйича кучайтириш жараёнига таъсирини тадқиқ этиш;

- яримўтказгич электродли ўта қисқа газ-разряди ячейкасининг люкс-ампер, чиқиш ва ўзгартириш хarakterистикаларини ўрганиш асосида фотоўзгартиргичнинг кучайтириш коэффициентини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти яримўтказгичли арсенид галлий, шаффоф электрод SnO_2 ва люминесцент экранга эга бўлган ўта қисқа газ-разряди ячейкасида ташкил топган инфрақизил тасвир ўзгартиргич сифатидаги ионизацион тизим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети яримўтказгич электродли ўта қисқа газ-разряди ячейкасидаги фотоэлектрик кучайтириш жараёнлари, ток ўтказиш ва разряд ёнишининг стабиллаштириш механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида яримўтказгич электродли газ-разряди системасининг электрофизик параметрларини аниқлашда вольт-ампер ва люкс-ампер хarakterистикаларини ўлчаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

яримўтказгич электродли газ-разряди системасида газ ва люминесцент экран нурланиш интенсивликларини газ-разряди оралиғи ($d=10-100$ мкм), газ босими ($P=5-120$ мм.сим.уст) ва ток кучига боғланиши аниқланган ва люминесцент экран нурланиш интенсивлиги газ-разрядининг нурланиш интенсивлигига нисбатан 8-10 марта ортиши кўрсатилган;

қўшимча иккита плазма контактли структурада фотоэлектрик кучайтириш жараёни арсенид галлий яримўтказгич электроднинг ёритилганлиги ва нур ютиш қобилиятига кучли боғлиқлиги ҳамда унинг қалинлиги камайиши билан фотоэлектрик кучайтириш коэффициентини ортиб бориши аниқланган;

инфрақизил нурланишларни фотоэлектрик ўзгартириш учун яримўтказгичли ионизацион системанинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

бир жинсли бўлмаган ҳажмий ютилишда яримўтказгичнинг бўйлама фотоўтказувчанлиги учун фотоэлектрик кучайтириш коэффициентининг ҳисоблаш методи ишлаб чиқилган;

газ-разряди оралиғига қўшимча металл-тўр электрод киритиб яримўтказгич электродли ионизацион тизимнинг сезгирлигини 8-10 марта ортиришга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўрли кучайтириш ёки плазмали контактлар усули ва люминесцент экрандан фойдаланиш орқали кучайтириш коэффициентини 8-10 баробарга ортирган, инфрақизил ва оптик тасвирларни фотоэлектрик ўзгартириш учун яримўтказгич ионизацион тизимнинг конструкцияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларда юқори аниқликга эга тажрибавий услубларнинг қўлланилганлиги, физик жараёнларни тадқиқ қилишда умумқабул қилинган услублардан фойдаланилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўта қисқа газ-разрядининг физик хоссалари тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтиради, фотоэлектрик кучайтириш механизмларни аниқлайди ва ионизацион тизимларда токни бошқариш ва турғунлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яримўтказгич электродли газ-разряди системасидан ташкил топган янги фотоўзгартиргичларни ишлаб чиқиш, фотоэлектроника соҳасида қўллаш учун оптик ва инфрақизил нурланишни қайд қилишда ҳамда материалшунослик ва дефектоскопия мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгич электродли ўта қисқа газ-разряди ячейкасида фотоэлектрик кучайтириш жараёнларини аниқлаш асосида:

инфрақизил нурланишларни фотоэлектрик ўзгартириш учун яримўтказгичли ионизацион системанинг конструкцияси ишлаб чиқилган. Уларни яратиш принциплари ва тадқиқотлари «FOTON» акциядорлик жамиятида фотоэлектрик ўзгартиргичлар тайёрлашда фойдаланилган. («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 12-февралдаги 02-351-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш галлий арсенид яримўтказгич материали асосидаги фотодатчикларнинг фотосезгирлигини оширишга олиб келган;

бир жинсли бўлмаган ҳажмий ютилишда яримўтказгичнинг бўйлама фотоўтказувчанлиги учун фотоэлектрик кучайтириш коэффициентини

ҳисоблаш методи. Ф2-ОТ-О-15494 рақамли “Квант нуқтали гетеро ва нанотузилмалардаги экситонларни, поляронларни, биполяронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш” мавзусидаги давлат грантини бажариш жараёнида юпқа плёнкаларнинг ютилиш коэффиценти спектрини текшириш ва термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳисоблаш учун фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 16.01.2019 йилдаги № 89-03-232 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши икки ўлчамли ярим ўтказгич структураларда оптик ва фотоэлектрик жараёнларни тушунтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий – амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та иш нашр қилинган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 26 расм ва 1 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича илмий ишлар таҳлили келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Спектрнинг инфрақизил соҳасида оптик маълумотлар ўзгартиришнинг мавжуд усуллари”** деб номланган биринчи бобида ИҚ фотография муаммосининг ҳозирги кундаги ҳолатига доир адабиётларнинг қисқача таҳлили келтирилган. Анъанавий ўзгартириш усуллари ИҚ сезгирлигини чеклайдиган сабаблари ҳамда инфрақизил тасвир қайд қилишнинг мавжуд усуллари камчиликлари таҳлил қилинган.

Ўтказилган таҳлил натижалари асосида диссертация ишида бажариладиган тадқиқот масалаларининг қўйилиши изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг “ИҚ-тасвирларни ўта қисқа газ-разряди ячейкаси ва люминафорга эга бўлган яримўтказгичли фотоўзгартиргич характеристикасини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида яримўтказгич арсенид галлий электродли ионизацион русумли фотоўзгартиргичнинг газ ва люминесцент экран нурланиш интенсивлигини газ-разряди оралиғи ($d=10-100$ мкм) ва босимининг ($P=5-120$ мм.сим.уст.) турли қийматларидаги ток кучига боғлиқлигининг экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Чиқиш сигнали интенсивлиги ФЭУ-19 А русумидаги фотоэлектрон кучайтиргич ёрдамида ўлчанган. Ишлаб чиқилган ўзгартиргичнинг умумий схемалари ва ишлаш принциплари тавсифланган. Ионизацион системанинг ишлаш принципи тасвир ўзгартиргичнинг икки вариантда лойиҳалаш имконини берди. Биринчи ҳолда чиқиш тасвири люминафорнинг юпка қатламида, иккинчи кўринишда эса ионизацион газ нурланиши шаффоф электрод орқали кузатилади.

1-расмда экспериментал қурилманинг принципиал схемаси келтирилган. Схемادا Тадқиқ қилинаётган яримўтказгич электродли газ-разряди системаси газ-разряди соҳасини вужудга келтирадиган 15 мм диаметри тешиги бўлган диэлектрик прокладка билан ажратилган яримўтказгич ва шаффоф электродлардан ташкил топган.




1-расм. Экспериментал қурилманинг принципиал схемаси.
 1-ёруғлик манбаи, 2- Si-фильтр, 3-яримшаффоф контакт, 4-яримўтказгич фотоқабулқилгич, 5-газ-разряди оралиғи, 6-марказида доиравий тешик бўлган слюдали фолга, 7-шаффоф контакт, 8-фотоэлектрон кучайтиргич, 9-ташқи қаршилик, 10-доимий ток манбаи (УИП-2)

Прокладканинг қалинлиги бизнинг тажрибамизда 10-100 мкм диапазонда ўзгарадиган d_g катталиқнинг қийматини аниқлайди. 25 мм диаметри ва 1 мм қалинликдаги яримўтказгич электрод (яримизоля-

цияловчи GaAs) қурилманинг фотоқабулқилгичи сифатида ҳам хизмат қилади. Фотоқабулқилгичнинг ташқи томонига вакуумда юпқа металл плёнка (Ni) ни буғлатиш йўли билан яримшаффоф электр контакти ҳосил қилинди. Анод сифатида ўтказувчан қатлам SnO₂ билан қопланган шиша пластинадан фойдаланилган.

2-расмда газ (а) ва люминесцент экран нурланиш интенсивлигини газ-разряди оралиғи d нинг турли хил қийматларида ток кучига боғлиқлиги кўрсатилган. d нинг турли хил қийматларидаги ВАХ анализи шуни кўрсатадики, қачонки қўйилган кучланиш тешилиш кучланишидан катта, яъни $U > U_{пр} \approx 400$ бўлса, газ нурланишининг интенсивлиги I кучланиш ортиши билан чизикли ўсиб боради. Шу сабабли, расмдан кўриниб турганидек, тоқларнинг барча тадқиқ қилинган диапазонидаги газ ва люминесцент экран нурланиш интенсивликлари амалда системанинг тоқига деярли чизикли мос келади, лекин газ нурланиши ҳолатида эса d камайганда (2-расмда 4,5 чизиклар) сезиларли ночизиклилик намоён бўляпти. Газ босимининг берилган $P=76$ мм.сим.уст. қийматида ва газ-разряди қатламининг катта қалинликларида газ нурланишининг люминесцент экран нурланишига нисбатан кучлироқ тоқга боғлиқлиги кузатилмоқда. d нинг камайиши билан эса бунинг тескараси, газнинг нурланиши кучсизланмоқда, люминесцент экран нурланиши эса кучаймоқда. Бунда фотоқабулқилгичнинг ёритилиш интенсивлиги доимо $J_{кыр}=2$ мВт/см² даражасида ўзгармас бўлган.




2-расм. Газ (а) ва люминесцент экран (б) нурланиш интенсивлигини I (ФЭУ тоқи) газ-разряди оралиғининг турли хил қийматларидаги ионизацион системанинг ток кучи I_c га боғлиқлиги. d , мкм: 1-30; 2-25; 3-20; 4-15; 5-10. $P=76$ мм.сим.уст

3-расмда газ-разряди оралиғи қалинлигининг турли хил қийматлари учун газ (а) ва люминесцент экран нурланиш интенсивликларининг газ босими P га боғлиқлиги кўрсатилган. Эгри чизиклар фотоқабулқилгични ёритиш интенсивлиги $J_{кыр}=2$ мВт/см² ва газ-разряди оралиғидан ўтаётган тоқнинг қиймати $I_c=0,2$ мА бўлган ҳол учун олинган. Кўриниб турибдики,

нурланишни люминесцент экран билан қайд қилган ҳолатда ўзгартириш самарадорлиги d ва P камайганда ошмоқда (3.б-расм).

Газ босими камайиши билан бошқа тенг шароитларда люминесцент экран нурланиш равшанлиги ошади. Лекин шуни таъкидлаш керакки, паст босимларда ($P < 30$ мм.с.м.уст.) экран нурланишининг бир жинслилиги ёмонлашади. Тахмин қилиш мумкинки, газнинг зичлиги кичик бўлган шароитларда электродлараро фазода электродларнинг сирт хоссалари (кирланишлар, микро-ғадир-будурликлар) тешилиш характериға таъсири ошади. Газнинг нурланиш ҳолатида эса бунинг тескараси, d ва P ларнинг камайиши, электронларнинг эркин югириш йўли узунлиги d дан катта бўлиб қолган битта $d=10$ мкм қийматдан ташқари, бошқа умумий ҳолатда нурланишни ўзгартириш самарадорлигининг пасайишиға олиб келади.




3-расм. Газ (а) ва люминесцент экран (б) нурланиш интенсивликларини газ-разряди оралиғининг турли хил қийматларида қолдиқ газ босимиға боғлиқлиги. d , мкм: 1-100; 2-30; 3-20; 4-10. $I_c=0,2$ мА

Келтирилган экспериментал маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, электродлар оралиғида майдоннинг тақсимланиши бир хил эмас, демак электронларнинг фазовий – энергетик тақсимланиши ҳам бир хил эмас. Анод бўлиб хизмат қилаётган люминесцент экран яқинидаги электронларнинг энергияси катод потенциалининг пасайиш соҳасидагига нисбатан камроқ. Газнинг ўзгармайдиган босими пайтида d нинг камайиши анодни юқори кучланганликли ва юқори энергияли электронларға эға бўлган майдонли соҳаға яқинлаштиради, бу эса люминесцент электронларининг кўзғалиш самарадорлиги ва экраннинг равшанлигини оширади.

Газнинг нурланишини қайд қилиш ҳолатида бу нурланишға хиссани бутун разряд ҳажми беради. Бунда нурланиш интенсивлиги ўзгармас босим учун разряд оралиғида ажралиб чиқаётган қувватға яъни $I_c \cdot U_{теш}$ катталигига мутаносиб бўлиши керак. Токнинг ўзгармас зичлигида чиқиш равшанлиги $U_{теш}$ га мутаносиб бўлиши керак. 3, а- расм маълумотларининг $U_{теш}$ нинг

оралиқ параметрларига боғлиқлиги билан солиштириш чиқиш равшанлигининг босим катталигига боғлиқлиги $U_{\text{теш}}$ нинг мазкур эгри чизикларига ўхшашлигини кўрсатмоқда. Бироқ d ортиши билан нурланиш интенсивлиги $U_{\text{теш}}$ дан тезроқ ўсиб бораётганини кўриш осон. Ҳар томонлама қараганда d нинг ортиши билан бир каторда разряд ҳажмининг деворларида кўзғатилган молекулалар ва газ атомларининг рекомбинация вақтида энергия йўқотиши камайиши ва шунга мос равишда нурланиш рекомбинация эҳтимоллиги ортиши билан изоҳланади.


Ўзгартиргичнинг муҳум характеристикаси унинг сезгирлиги ва кириш интенсивлигининг динамик оралиғини аниқлайдиган чиқиш характеристикаси (ЧХ) ҳисобланади. 4, а ва б расмда яримизоляцияловчи арсенид-галлий фотоқабулқилгич фойдаланилган ҳолат учун люминесцент экранли ва газ-разряди оралиғи ёнадиган ўзгартиргичнинг чиқиш характеристикаси кўрсатилган. Эгри чизиклар турли хил кучланиш манбааларида газ-разряди оралиғи катталиги $d=100$ мкм белгиланганда олинган. Чиқиш равшанлиги ФЭУ токига мутаносиб бўлган нисбий бирликларда ифодаланади. Манба кучланиши ортиши билан ЧХ разряд оралиғи ва экраннинг нурланиш интенсивлиги катта бўлган томонга силжийди. Шундай қилиб, қўйилган кучланиш ва яримўтказгичнинг ёритиш интенсивлиги ортиши билан ўзгартириш коэффиценти ортади. Шу билан бирга тизимнинг қоронғуликдаги токи ортиши қиймати учун кучланиш ортиши натижасида қоронғуликдаги ёруғлик ҳам ортиб боради (яъни, экран ёруғлиги ва кириш сигнали бўлмаганда ионлаштирилган газ).



4-расм. Люминесцент экранли (а) ва разряд оралиғи ёнадиган (б) ўзгартиргичнинг чиқиш характеристикаси.
 $d=100$ мкм. $P=76$ мм.сим.уст. $U, В$: 1-800; 2-900; 3-1000

4, а ва б расмларда ЧХ ни таққослаш асосида шуни кўрсатиш мумкинки, газ-разряди оралиғи параметрлари $P=76$ мм.сим.уст ва $d=100$ мкм қийматларда ток зичлигини ўзгармас сақлаган ҳолда люминесцент экран нурланиши газ-разрядининг нурланиш интенсивлигига нисбатан 8-10 баробарга ошиб боради.

Диссертациянинг “Плазмали контакт ва яримўтказгичли фотоқабулқилгич электродларидан иборат бўлган газ-разряди ячейкасида фотоэлектрик кучайтириш жараёнлари” номли учинчи боби газ-разряди плазмаси билан яримўтказгичнинг сиртида контакт ҳодисалар ва газ-разряди ячейкасида фотоэлектрик кучайтириш жараёнларини ўрганишга бағишланган. Принципиал схемаси 5-расмда келтирилган иккита плазма контактли ионизацион тизимда фототок тадқиқотининг назарий ва экспериментал натижалари тақдим қилинган. Яримўтказгичли фотоқабулқилгич (4) ҳар бирининг қалинлиги 40 мкм дан бўлган калибрланган лавсан прокладкасининг (3 ва 3') орасига жойлаштирилган. Контрэлектрод ток ўтказувчи SnO₂ қатлами билан қопланган, газ-разряди нурланишини визуал кузатиш ва тасвирини олиш учун зарур шаффоф шиша пластинадан (1 ва 1') ясалган.



5-расм. Иккита плазма контактли экспериментал қурилманинг принципиал схемаси

Доимий кучланиш $U = E \cdot d = 600 \text{ В}$ (бу ерда E - электр майдоннинг кучланганлиги, d - газ-разряди оралиғининг узунлиги 2 ва 2') 1 ва 1' орасига берилади, бунда тешилиш содир бўлади ва ёлқин разряд бошланади. Тажриба хона хароратида ўтказилди, зарур қолдиқ босим форвакуумли насос ёрдамида таъминланди. Таъминлаш манбаи сифатида ВС-23 русумли юқори кучланишли блокдан фойдаланилди. Амалда барча фотосезгир яримўтказгич қурилмалар учун ёритилишнинг кучсиз интенсивликларида тўла токнинг люкс-ампер характеристикаси (ЛАХ) қуйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин:

$$i = i_T + i_C = i_T + aEJ^n \quad (1)$$

бу ерда $a = e\mu\beta k t$ ($e = 1,6 \cdot 10^{-19}$ Кл, μ -заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги, β -квант чиқиш коэффиценти, k - ёруғликнинг яримўтказгичда ютилиш

коэффициенти, τ - заряд ташувчилар яшаш вақти, J - ёритилиш интенсивлиги, n —ночизикли ЛАХ кўрсаткичи, $n > 1$ - юқори чизикли, $n < 1$ - паст чизикли ва $n = 1$ чизикли фотосезгир элементлар учун.

Фототок зичлигининг катталигини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$i_c = eGJ^n / h\nu \quad (2)$$

бу ерда G - фотоэлектрик кучайтириш, яримўтказгичнинг бир жинсли оптик кўзгалишининг энг содда ҳолида у яшаш вақти τ нинг элекродлар орасида электроннинг учиб ўтиш вақти $t_{\text{учиш}}$ ига нисбатига тенг: $t_{\text{учиш}} = L_n / \mu E_n$ (μ -заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги, L_n - яримўтказгичнинг қалинлиги, E_n - яримўтказгичдаги электр майдон кучланганлиги).

Ёруғликнинг бир жинсли бўлмаган ҳажмий ютилишда ярим ўтказгичнинг бўйлама фотоўтказувчанлиги учун фотоэлектрик кучайтиришнинг катталиги G содда нисбат $\tau / t_{\text{учиш}}$ дан фарқ қилади ва уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$G = \frac{\mu k \tau \varepsilon}{\delta (1 - e^{-kL_n})} \left[\frac{1}{1 + \frac{1}{kL_n} \ln \frac{1 + \delta e^{-kL_n}}{1 + \delta}} - 1 \right] \quad (3)$$

бу ерда δ - фотоўтказувчанликнинг бошланғич карралиги, n_1 - қоронғуликда заряд ташувчилар концентрацияси, ε —яримўтказгичнинг диэлектрик сингдирувчанлиги.

Формула (3) диффузия, номувозанат ташувчиларнинг дрейфи ва рекомбинацион нурланишнинг реабсорбциясини ҳисобга олмасдан чиқарилган. У ёруғликнинг ютилиш коэффициенти k нинг берилган қийматида монохроматик ёритилиш учун G катталикининг чегаравий минимал қийматини аниқлайди, чунки эслатилган факторларни ҳисобга олиш G нинг ошишига олиб келади.

Яримўтказгичли фотоқабулқилгич пластиналарининг фотоэлектрик кучайишини ўлчаш қуйидаги услубда бажарилган. Ионизацион тизимдаги фототокнинг ВАХси қўйилган кучланишнинг максимал бўлган қийматларига чегара ўлчанди. Фотоэлектрик кучайишнинг чегаравий қийматига чеклов бўлиб нотурғун токнинг пайдо бўлиши хизмат қилди. Ёритилиш интерференцион ёруғлик фильтри орқали амалга оширилди, ёруғлик интенсивлиги ёритилаётган қисмнинг бир хил юзасида ФД-24К русумли фотодиод билан ўлчанди. G нинг катталиги ушбу ҳолда фотоўтказгич токнинг фотодиод токига нисбатига тенг бўлади.

Қуйида ҳар хил фотоқабулқилгичлар учун олинган типик маълумотлар келтирилган.

Жадвалдан келиб чиқадики, фотоэлектрик кучайтиришнинг фотоқабулгич қалинлигига етарли даражада кучли боғлиқлиги мавжуд.

Тадқиқот натижалари арсенид галлийдан иборат яримўтказгичли газ-разряди ячейкасида 50 бирликдан юқори бўлган етарли даражада катта

кучайиш коэффиценти K мавжудлигини кўрсатмоқда. Лекин кадмий теллурдан иборат яримўтказгичли ячейкада ток бўйича ҳам, нурланиш равшанлиги бўйича ҳам кучайиш кузатилмади. Буни кадмий теллурдан ясалган яримўтказгичнинг сиртида етарли миқдордаги тузоқларнинг мавжудлиги ва бу тузоқлар газ-разряди плазмасидан ҳосил бўлган электронларни ушлаб қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

№	Намуналар	Намуналар қалинликлари, (мм)	E , (В/см)	G	m_n^*/m_0	m_p^*/m_0	E_g (300K)	μ_n $\text{cm}^2/\text{V}\cdot\text{c}$	μ_p $\text{cm}^2/\text{V}\cdot\text{c}$	ϵ
1	GaAs	1	$2 \cdot 10^4$	7	0,7	$m_{pT}0,45$	1,43	8500	400	10,9
1	GaAs	0,5	$2 \cdot 10^4$	10	0,7	$m_{pT}0,45$	1,43	8500	400	10,9
1	GaAs	0,3	$2 \cdot 10^4$	15	0,7	$m_{pT}0,45$	1,43	8500	400	10,9
2	CdS	1,5	$1 \cdot 10^4$	5	0,20	0,7	2,53	350	15	8,96
2	CdS	0,5	$1 \cdot 10^4$	13	0,20	0,7	2,53	350	15	8,96

Ток кинетикаси учун оптик генерация (F) ни ҳисобга олган ва эксклюзия ҳамда тузоқларнинг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда қуйидаги тенгламани ёзиш мумкин:

$$E < (\xi\mu\tau)^{-1}, \text{ ҳолат учун } j = \frac{e\mu EF}{1/\tau - \xi\mu E} \{1 - \xi\mu E \tau \exp[-t(1/\tau - \xi\mu E)]\}. \quad (4)$$


$$E > (\xi\mu\tau)^{-1}, \text{ ҳолат учун } j = \frac{e\mu EF}{\xi\mu E - 1/\tau} [\xi\mu E \tau \exp t(\xi\mu E \tau - 1/\tau) - 1], \quad (5)$$

бу ерда ξ -мутаносиблик коэффиценти, m^{-1}

6-расмда 0,5 мм қалинликдаги кристалл яримизоляцияловчи ($\rho \approx 10^7$ Ом.см) арсенид галлийнинг (а) ёритилиш интенсивлиги ҳар хил қийматларидаги: ($F \cdot 10^4$, $\text{Вт}/\text{см}^2$: 1-0,15, 2-2,0; 3-9,0) ҳамда 2,5 мм (б) қалинликдаги CdTe дан иборат фотоқабулқилгичнинг 1,5 мм (в), 0,5мм (г) ($F \cdot 10^4$, $\text{Вт}/\text{см}^2$: 1-0 (қоронғуликдаги); 2-2,0; 3-9,0; 4-15; 5-25; 6-40) ВАХ лари келтирилган.

Системадаги қолдиқ ҳаво босими 0,2 атм. ни ташкил этади. Системада ток тахминан 600 В қийматигача мавжуд эмас. Кўрсатилган кучланишда газ-разряди оралиғида тешилиш рўй беради ва кучланишнинг ошиши билан ток ортиб боради. Кучланиш ўзгармас тезликда маълум бир қайд қилинган қийматгача V_1 ошиб борди, кейин кучланишнинг ошиши кескин тўхтади ва шу ондан бошлаб тадқиқ қилинаётган материалдаги кучланишнинг бир вақтдаги камайиши билан токнинг ўз-ўзидан ўсиши рўй беради. Ностационар режимга ўтишдаги токнинг ўз-ўзидан ўсиши ток манбаи ички қаршилигига аниқ тўғри келадиган қиялик билан манфий дифференциал қаршиликли қисм кўринишида рўй беради. Токлар ва V_1 , V_2 , V_3 нукталаридаги кучланишларнинг қийматлари мазмунан ностационар бўлади. Вольтампер характеристикаларининг кўринишига ташқи ёруғлик интенсивлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Галлий арсениддан иборат яримўтказгич материаллар плазманинг ультрабинафша ва қисқа тўлқинли нурланишларини оз сондаги материалларидан биридир. Кадмий теллур кристаллининг б, б, в, г -

расмларидаги ВАХ ларининг эгри чизикларидан кўришиб турибдики, кучланишнинг ошиши билан системада токнинг ўз-ўзидан ўсиши кузатилмаяпти.




6-расм. Системанинг хар хил фотоқабулқилгичлар ва ёруғлик интенсивликларда ВАХ си

Бунга қарама – қарши равишда ВАХ нинг бошланғич қисмлари чизиқли характерга эга ва катта кучланишларда токнинг тўйиниши рўй беради, материалнинг қалинлиги қанча кам бўлса тўйиниш шунча кам бўлади. Кучланишнинг ВАХ нинг чизиқли қисмига тўғри келадиган катталиги яримўтказгич материалнинг қалинлиги қанча кам бўлса тўйиниш кучланиши шунча кам бўлади. Кучланишнинг ВАХ нинг чизиқли қисмига тўғри келадиган катталиги яримўтказгич материалнинг қалинлиги 0,5 мм бўлган ҳол учун қалинлиги 2,5 мм бўлган ҳолдагига нисбатан 5 марта кичик, яъни тўйиниш майдон кучланганлиги билан тўғри боғланган.

Фототок стационар ВАХ лари ва релакцион эгри чизикларининг экспериментал тадқиқотлари уларнинг умумий характери, шу жумладан манфий яшаш вақти соҳасида ҳам, назарий ҳисоб-китоблар билан мос келишини кўрсатмоқда. Максимал токни эгри чизиги юклама билан ёки вақт бўйича чеклаш (ўз-ўзидан кучайиш) орқали ушбу ҳодисадан фойдаланиб, кучайиш режими тадқиқ қилинган ва таклиф этилган. 7-расмда яримўтказгичдаги ток ташувчиларнинг ўзгармас ёритилиш F даги ва қўйилган


кучланиш E нинг ҳар хил қийматларидаги (а,б) ҳамда ўзгармас кучланиш E даги ва ёритилиш интенсивлиги F нинг ҳар хил қийматларидаги (с,д) релаксацион эгри чизиклари кўрсатилган.

$E < 1$ соҳада (бу ерда $1/\tau_{эф} = 1/\tau - \xi\mu E$, $\tau_{эф}$ - мусбат эффектив яшаш вақти) ток катталиги $t \rightarrow \infty$ да турғун қийматга эга. $E > 1$ да эффектив яшаш вақтининг шарти амалга ошади - турғун ҳолат мавжуд бўлмайди. $E = 1/\xi\mu\tau$ релаксациянинг рекомбинация йўқлигида заряд ташувчиларнинг оптик генерацияси суръатига тўғри келадиган қияли чизикли ўсиши билан ифодаланиши характерли. Бу ҳолда заряд ташувчиларнинг рекомбинацион йўқотилишлари плазмадан заряд ташувчиларнинг генерацияси билан тўла қопланади ва эффектив яшаш вақти $\tau_{эф}$ чексизликка айланади деб фаъраз қилиш мумкин.



7-расм. Яримўтказгичда заряд ташувчилардан ҳисобланган релаксацион эгри чизик. $E \cdot 10^{-4}$ (В/см)=0,4 (1-эгри чизик); 0,9 (2); 1,3 (3); 1,5 (4); 1,6 (5); 2 (6); 2,25 (7); 2,5 (8); 3,0 (9); 4,0 (10); $F=10^{16}$ ($\text{см}^{-3} \text{с}^{-1}$), $\tau=10^{-7}$ с, $\mu=500 \text{ см}^2 \cdot \text{В}^{-1} \text{с}^{-1}$, $\xi=1 \text{ см}^{-1}$; в) $F \cdot 10^{-16}$ ($\text{см}^{-3} \text{с}^{-1}$)=0,6 (1); 1,0 (2); 1,5 (3); 2,0 (4) и $E=10^4$ В/см; г) $F \cdot 10^{-16}$ ($\text{см}^{-3} \text{с}^{-1}$)=0,08 (1); 0,2 (2); 0,8 (3); 2,0 (4) и $E=10^4$ В/см, τ , μ ва ξ параметрларнинг қийматлари эса а, б даги каби

8-расмда ионизацион тизимдаги яримўтказгичнинг умумий ток кинетикасининг кучланиш ва ташқи ёритиш интенсивлигининг ҳар хил қийматларидаги экспериментал эгри чизиқлари келтирилган. Релаксацион эгри чизиқларнинг умумий характери маълум меъёрларда, шу жумладан “манфий” яшаш вақти соҳасида ҳам, назария билан мос тушади. 8 а-расмдаги 2 кВ ли кучланиш ва 8 б-расмдаги $3 \cdot 10^6$ Вт/см² ли ёритилиш интенсивлиги учун турғун ҳолатга эришилганлиги кузатиляпти. Катта кучланишлар ва ёритилиш интенсивликларида токнинг кескин ошиши рўй беради. Яримизоляцияловчи галлий арсениддаги ток кинетикаси ва ВАХ ини тадқиқ қилишдан олинган экспериментал натижалар боғлиқликларнинг умумий характери бўйича соддалаштирилган назариядан кутилганларга сифат жиҳатидан мос тушади.



8-расм. Оптик генерация интенсивлиги F ва қўйилган кучланиш V нинг турли хил қийматларида GaAs дан иборат фотоқабулқилгич билан ток кинетикасининг экспериментал эгри чизиғи. V (кВ)=2,0 (1); 2,8 (2); 2,9 (3); 2,95 (4); 3,0 (5); 3,05 (6); ва $F=2 \cdot 10^4$ Вт/см² а - эгри чизиғи, $F \cdot 10^6$ (Вт/см²) 0,3 (1); 0,9 (2); 5,0 (3); 20 (4); 50 (5) и $V=2,6$ кВ б-эгри чизиғи, с-фотоқабулқилгичнинг ёруғлик оқимиға нисбатан ҳар хил жойлан-ганлиғида, 1 ва 2 –фотоқабулқилгич қарамақарши томонларининг ёритилишиға хос

Токнинг ўз-ўзидан ўсиши, унинг майдон ва ёритилишга боғлиқлиги ва шунингдек ўсишнинг квазиэкспоненциал юриши олинган назарий натижаларга тўғри келади.


Аммо ток кинетикасининг вақт масштабларида фарқ қилиши кутилмаган ҳол бўлди. Ҳақиқатда ҳам назарий жиҳатдан ўз-ўзидан ўсиш яшаш вақти тартибидаги вақт оралиғида кутилади, экспериментал олинган қийматлар эса секунд, хатто ўнлаб секундлар тартибига тўғри келмоқда. Бундай фарқланиш, бизнинг назаримизча, яримўтказгич ва газ-разряди плазмаси орасидаги контакт ҳодисалар, шунингдек яримўтказгичнинг ҳоссалари билан боғлиқ. Токнинг ўз-ўзидан ўсишида газ чакнаши ва зарралар оқимининг кўпайиши рўй беради. Плазма оқимининг яримўтказгич сиртига таъсири тизимдаги ток қанча катта, плазмадаги зарралар оқими ва газ чакнаши қанча кучли бўлса шунча кучли.

Диссертациянинг **“Кўшимча тўрли электродларга эга яримўтказгич газ-разряди ячейкасида ток бўйича кучайтириш имкониятларини тадқиқ қилиш”** деб номланган тўртинчи боби кўшимча тўрли электродларга эга яримўтказгич газ-разряди ячейкасида ток бўйича кучайтириш муаммоларига бағишланади. Кузатилган эффектни тушуниш мақсадида тасвир олувчи қурилманинг бир неча вариантлари токни электродли кучайтириш ҳолатида тадқиқ қилинди. Тадқиқотлар ҳам нуқтавий (растрли) ҳам туташ кўринишли тасвирлар учун олиб борилди. Туташ кўринишли тасвир ҳосил қилишда махсус электродли тизим ўзгартиргич ҳолатида анча диққат билан ўрганилди. Унинг принципиал схемаси 9-расмда кўрсатилган.

